

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.2019.S.23.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВА МАХСУДА ПУЛАТОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ  
ЮКСАЛТИРИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Sociological Sciences**

**Эргашева Махсуда Пулатовна**

Ўзбекистонда хотин-қизлар фаоллигини юксалтиришда жамоатчилик  
фикрининг ўрни ва роли.....4

**Эргашева Махсуда Пулатовна**

Место и роль общественного мнения в повышении активности женщин  
в Узбекистане.....26

**Ergasheva Makhsuda Pulatovna**

Position and role of public opinion in increasing the activity of women in  
Uzbekistan.....48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.2019.S.23.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВА МАХСУДА ПУЛАТОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ  
ЮКСАЛТИРИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Sots4 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([info@dba.uz](mailto:info@dba.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ZiyoNet.uz](http://www.ZiyoNet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Холбеков Абдугани Жуманазарович**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Умаров Абдусалом Адилевич**  
социология фанлари доктори, профессор

**Саифназаров Исмоил**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.2019.S.23.02.рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» кuni \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47, факс: 0(371) 239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, 408-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47, факс: 0(371) 239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, \_\_\_\_\_хона)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2020йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги № \_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси).

**М.Б.Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

**А.Б.Юнусов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, социология фанлари номзоди, доцент

**Ш.М.Содиқова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда хотин-қизлар фаоллигини ўрганиш масалаларига инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ўзаро тенглик омили сифатида қаралмоқда. Шундан келиб чиқиб ижтимоий ҳаётда хотин-қизларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, гендер тенгликни шакллантириш, мавжуд ислоҳотларда уларнинг тутаётган ўрнини камситилмаслигига алоҳида эътибор берилади. Глобаллашиб бораётган жамиятда хотин-қизларнинг иштирокига оид концепция ва методларни таҳлил этиш, “аёл ва оила”, “аёл ва жамият” муносабатларини ижтимоий институт сифатида таснифлаш, динамик ўзгаришларни социологик прогнозлашга бўлган зарурат долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари етакчи университетлари ва илмий марказларида гендер тенглиги, аёлларнинг парламент ва ижро ҳокимиятини шакллантириш, шунингдек муниципал (ўзини-ўзи бошқарув) бошқарувдаги роли, уларнинг давлат ҳаётидаги ўрнини сайловлар орқали ошириш билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Замонавий социологик манбаларда аёллар фаоллиги масалалари инсон тафаккурининг юқори интеллектуал-технологик ривожига мос тарзда гуманистик таълимот асосида тадқиқ этилишига ҳам эътибор қаратилмоқда. Бундай ёндашув бир томондан мавжуд социомаданий кадрият ва анъаналарни сақлаб қолиш, иккинчи томондан мураккаб социал технологияларни ҳаётга жорий этиш ҳаракатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий тадқиқотлар доирасида хотин-қизларнинг оиладаги ўрни, аёллар ва жамият муносабатлари кенг миқёсда ўрганилганлиги билан бир қаторда, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётидаги янги даври нуқтаи назаридан хотин-қизлар фаоллиги масалалари нисбатан кам ўрганилган. Мамлакатимизнинг фуқаролик жамиятига тизимли равишда ўтиб бориши икки жинс вакиллариининг ҳар жабҳада бир-бирларини ҳурмат қилиш, ўзаро муносабатларда асл инсоний фазилатларни намоён этишга эришишдек гуманистик омил муҳим аҳамият касб этади. Жамиятдаги инновацион ислоҳотлар негизида “замонавий аёл” қиёфасини яратиш ва хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш истиқболларига оид тадқиқот марказлари таъсис этилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар долзарб ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти – [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хотин-қизлар фаоллигини юксалтиришда жамоатчилик фикрини ўрганишга доир муаммолар турли фанлар намоёндаларида қизиқиш уйғотиб келган. Бунда ушбу масалага оид илмий манбаларни чуқур ўрганиш орқали замонавий Ўзбекистон жамиятида хотин-қизлар фаоллигини юксалтиришга бўлган тўсиқларни бартараф этиш масаласи ўз ифодасини топган.

Хотин-қизлар фаоллигини юксалтириш муаммолари бошқарув тизимига янги жорий этилаётган инновацион технологиялар доирасида социологик тадқиқотларни янада ривожлантиришга бўлган эҳтиёжлар асосида жамоатчилик фикрига асосланишни талаб этади. Масаланинг муҳим томони шундаки, социологик тадқиқотларнинг ижтимоий ҳаётга кенг жорий қилиниши хотин-қизлар фаоллигига оид адекват (ҳаққоний) жамоатчилик фикри шаклланишини назарда тутади.

Хотин-қизлар фаолиятига оид жамоатчилик фикри механизмлари тадқиқ этилган социологик адабиётлар жумласига П.Бурдье, Ж.Скотт, В.Спайк Петерсон, О.А.Воронина, О.В.Рябовалар ишларини киритиш мумкин. Ижтимоий-сиёсий жараёнларда хотин-қизларнинг иштироки, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигига оид тадқиқотлар М.Фуко, П.Бурдье, Э.Гидденс, М.В.Ильин, А.Ю.Мельвил, В.Г.Ледяев, Р.Дженкинс, Г.Тэдждфел, А.П.Чудинов, А.Н.Баранов, Ю.Н.Караулов, А.В.Кирилина, К.Кон, Х.Хасте, И.Гоффман, М.Л.Макаров, С.Г.Климова, С.Ф.Лисовский, Т.Н.Пищева, Г.Г.Почепцова, Е.Б.Шестопал, Т.В.Якушева, Дж.Бергер, М.Йоргенсен, М.Пикеринг, Э.Саид, Х.Баба, Л.Филипс, С.Холл каби олимлар томонидан ўрганилган.

Аёллар сиёсий фаоллигини гендер тамойиллари асосида ўрганган олимлар қаторига О.А.Хасбулатова, К.Ф.Канн, С.Г.Айвазова, Н.В.Досина, В.Г.Ушакова, Т.В.Барчунова, Е.С.Гриценко, Е.Р.Ярская - Смирнова, О.А.Воронина, Е.А.Здравомыслова, Е.В.Кочкина, Л.Н.Попкова, О.Г.Овчарова, З.М.Саралиева, Н.Л.Степанова, А.А.Темкина, Н.А.Шведова,

Л.Т.Шинелева, И.И.Юкина, А.Сребрян, Л.Ван Зунен, К.Уолл-Йоргенсенларни киритиш мумкин.

Тан олиш зарурки, яқингача хотин-қизлар фаоллигини юксалтиришда жамоатчилик фикрининг ўрни ва ролини ўрганиш масаласи муҳим тадқиқотлар сирасига кирмасди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ташкил этилган тадқиқот марказларида ушбу муаммога оид жамоатчилик фикри ва унинг натижалари унчалик ўзига эътиборни тортмасди. Аммо сўнги йилларда Ижтимоий фикр Республика Жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар Кўмитаси томонидан ўтказилаётган социологик тадқиқотлар натижалари асосида муаммога таъсир қилувчи мотивлар аниқлаштирилмоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизлар ва гендер муаммосининг социологик масалалари М.Бекмуродов, А.Умаров, А.Холбеков, М.Ганиева, К.Каланов, Н.Латипова, Р.Убайдуллаева, М.Гаффароваларнинг илмий изланишларида, фалсафий-ҳуқуқий ва иқтисодий асослари А.Саидов, М.Восиқова, Ф.Отахўжаев, С.Рашидова, М.Гасанов, С.Иномова, М.Холматова, Э.Султонова, М.Нурматова, С.Сафаева, М.Тўхтаўжаеваларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.<sup>1</sup>

Бироқ, бугунги кунга қадар социологияда хотин-қизлар фаоллигининг ошишига нисбатан адекват тарздаги жамоатчилик фикри муносабатининг шаклланиши масалалари фуқаролик жамиятини такомиллаштириш шароитида янги социомаданий қадриятларни таркиб топтирувчи феномен сифатида етарли даражада ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Ўзбекистонда замонавийлашув шароитида оила ва болаларни ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий ҳамкорлик масалалари» (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқотлар дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда хотин-қизларнинг фаоллигини юксалтириш жараёнида жамоатчилик фикрининг шаклланиши механизмларини асослаб бериш ва тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«хотин-қизлар фаоллиги», «гендер ва аёл», «жамоатчилик фикри» каби тушунчаларнинг социологик тавсифини келтириш;

хотин-қизлар фаоллиги ва жамоатчилик фикри институти муносабатининг ўзаро боғлиқлигини асослаб бериш;

хотин-қизлар фаоллигининг бошқарув тизимида тутган ўрни ва моҳиятини очиқ бериш ва унинг механизмларини аниқлаш;

жамиятнинг демократлашуви шароитида хотин-қизлар салоҳиятини ижтимоий имконият сифатида аниқлаш;

<sup>1</sup> Адабиётлар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

«замонавий аёл» социологик портретини яратиш ва унинг ижтимоий динамикаси жараёнлари прогнозини амалга ошириш;

хотин-қизларда муайян касбга мансублик омиллари асосида фаолликнинг шахс турмуш тарзи, дунёқараши, тафаккури ва салоҳиятига таъсири ва ролини асослаб бериш;

Ўзбекистон ривожланишининг замонавий босқичида хотин-қизларнинг бошқарув жараёнларидаги ижтимоий фаол иштироки ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, зиддиятларни аниқлаш, уларни ҳал этиш усуллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиш бўйича хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда хотин-қизлар фаоллигини юксалтиришда жамоатчилик фикрининг ўрни ва ролини тизимий тадқиқ этиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** хотин-қизлар фаоллигининг ижтимоий фикрда ўзига хос ақс этиши ва унинг жамият бошқарув тизимини такомиллаштиришга таъсирини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда анкета, эксперт сўрови, кузатув, киёсий таҳлил, хужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

жамоатчилик фикрининг замонавий фаол аёл ижтимоий портретини тавсифловчи параметрларига (юқори ақлий салоҳиятли, ўз касбининг устаси, юқори маълумот ва махсус тайёргарлик эгаси, оилапарвар, юксак маънавий фазилатлар соҳибаси) позитив таъсир этиши асосланган;

оммавий ахборот воситаларида фаол хотин-қизларнинг замонамиз қаҳрамонлари сифатидаги позитив имиджини шакллантириш - аёлларнинг ўзини-ўзи self-assesment тарзида баҳолаши ва фаоллигини оширишнинг кафолати эканлиги исботланган;

янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида хотин-қизларнинг нафақат ижтимоий эътибор марказида фаолият юритувчи касб эгалари (илм-фан, таълим, ахборот технологиялари, бошқарув) балки, ишлаб чиқариш ва турмуш тарзи билан боғлиқ турли социал қатламлар вакиллари (фаррошлар, уй-рўзғор ишлари билан бандлар, дала ишлари билан шуғулланувчи аёллар, хизматлар соҳаси ходимлари) ишини жамиятда муҳим ижтимоий қимматга эга бўлган позитив фаолият сифатида англаш бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш зарурати асосланган;

беш муҳим ташаббуснинг таркибий қисми бўлган хотин-қизларнинг зарур ҳаётий муаммоларини (бандлик, тадбиркорлик билан шуғулланиш, соғлигини мустаҳкамлаш ва б.) ҳал этишга хизмат қиладиган экспериментал марказлар, замонавий сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари (коворкинг

марказлари, бизнес ва консалтинг хизматлари, спорт иншоотлари, маиший хизмат кўрсатиш комплекслари ва б.) фаолиятига аёлларнинг меҳнат субъектлари сифатида кенгроқ жалб этилишини рағбатлантириш бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш уларда ҳаётдан розилик ва бунёдкорликка интилиш туйғуларини кучайтириши аниқланган;

раҳбарлик лавозимлари, хусусан давлат бошқаруви ҳамда ўзини ўзи бошқарув соҳалари учун аёл кадрлар захирасини шакллантириш, аёлларнинг реал социал мавқеини яхшилашни мониторинг қилиш, статистик ва социологик хизматларни йўлга қўйиш орқали ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жамиятнинг демократиялашуви шароитида хотин-қизлар ижтимоий фаоллигининг динамик кўрсаткичи амалга оширилган;

хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини миллий-менталь қадриятлар ҳамда гуманитар таълимот негизида тадқиқ этиш амалиёти жорий этилган;

хотин-қизларда ижтимоий фаоллик салоҳияти динамикасининг истиқболдаги ҳолатини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

хотин-қизлар фаоллигини юксалтириш асосида бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг социал асоси сифатида “замонавий аёл” қиёфасини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

турли соҳаларда хотин-қизлар фаоллигини такомиллаштиришга тўсик бўладиган муаммоларни ҳал этишнинг эмпирик дастури асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Респондентларнинг маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолини қайд қилиш журналларидаги рўйхатлардан тасодифий танлов усули ёрдамида танлаб олинганлиги маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишда SPSS («Statistical Package for the Social Sciences» – «ижтимоий фанлар учун махсус дастур») дастуридан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот хулосалари, таклифлар ва тавсиялар амалиётда жорий қилинганлиги ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан, бошқарув тизимини такомиллаштиришда хотин-қизлар салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижалардан жамоатчилик фикрини ўрганиш учун лойиҳалар, туркум кўрсатувлар, социомаданий тадбирлар ўтказишда қўлланиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хотин-қизлар фаоллиги, жамият трансформациялашувидаги ўзига хос ўрни ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар жараёнларига таъсирининг жамоатчилик фикрида замонавий шаклланишини таҳлил этиш натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан қуйидагиларда фойдаланилган:

жамоатчилик фикрининг замонавий фаол аёл ижтимоий портретини тавсифловчи параметрларига (юқори аклий салоҳиятли, ўз касбининг устаси, юқори маълумот ва махсус тайёргарлик эгаси, оилапарвар, юксак маънавий ғазилатлар соҳибаси) позитив таъсир этишига оид хулосалардан “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан “Ўзбекистон хотин-қизлари: ўзини ижтимоий ҳис қилиш ва ижтимоий кайфият” мавзусидаги социологик тадқиқот сўровномасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2019 йил 21 июндаги №01-16/244-сон маълумотномаси). Бу хотин-қизлар фаоллигини юксалтириш муаммоларини ҳал этишнинг назарий ва эмпирик жиҳатларини ўрганишга хизмат қилган;

оммавий ахборот воситаларида фаол хотин-қизларнинг замонамиз қаҳрамонлари сифатидаги позитив имиджини шакллантириш - аёлларнинг ўзини-ўзи self-assesment тарзида баҳолаши ва фаоллигини оширишнинг кафолати эканлиги ҳақидаги хулосалардан “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан “Ўзбекистонда хотин-қизлар фаоллигини юксалтиришнинг ижтимоий жиҳатлари” номли социологик тадқиқот сўровномасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2019 йил 21 июндаги №01-16/244-сон маълумотномаси). Натижада социологик сўровномаларнинг методологик асосларини мустаҳкамлашга эришилган;

янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида хотин-қизларнинг нафақат ижтимоий эътибор марказида фаолият юритувчи касб эгалари (илм-фан, таълим, ахборот технологиялари, бошқарув) балки, ишлаб чиқариш ва турмуш тарзи билан боғлиқ турли социал қатламлар вакиллари (фаррошлар, уй-рўзғор ишлари билан бандлар, дала ишлари билан шуғулланувчи аёллар, хизматлар соҳаси ходимлари) ишини жамиятда муҳим ижтимоий қимматга эга бўлган позитив фаолият сифатида англаш бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш зарурати ҳақидаги хулосадан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати Кенгашининг 2017 йил 16 июнда тасдиқланган Қўшма қарори лойиҳасини, хусусан қўшма қарорнинг 5.5-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузурида Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенгаш ташкил этиш”да фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг 2019 йил 22 февралдаги №01-07/62-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг Омбудсман фаолиятига тадбиқ қилиниши жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтиришга хизмат қилган;

беш муҳим ташаббуснинг таркибий қисми бўлган хотин-қизларнинг зарур ҳаётий муаммоларини (бандлик, тадбиркорлик билан шуғулланиш,

соғлигини мустаҳкамлаш ва б.) ҳал этишга хизмат қиладиган экспериментал марказлар, замонавий сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари (коворкинг марказлари, бизнес ва консальтинг хизматлари, спорт иншоотлари, маиший хизмат кўрсатиш комплекслари ва б.) фаолиятига аёлларнинг меҳнат субъектлари сифатида кенгроқ жалб этилишини рағбатлантириш уларда ҳаётдан розилик ва бунёдкорликка интилиш туйғуларини кучайтириши ҳақидаги хулосадан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) Котибияти 2018-2019 йиллик иш режасининг Аёлларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг 2019 йил 22 февралдаги №01-07/62-сон маълумотномаси). Бу хотин-қизларнинг муҳим социал муаммоларини ҳал этишга ва уларнинг маънавий руҳиятини юксалтиришга хизмат қилган;

рахбарлик лавозимлари, хусусан давлат бошқаруви ҳамда ўзини ўзи бошқарув соҳалари учун аёл кадрлар захирасини шакллантириш, аёлларнинг реал социал мавқеини яхшилашни мониторинг қилиш, статистик ва социологик хизматларни йўлга қўйиш орқали ташкил этиш зарурлиги ҳақидаги тавсиялардан “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2017-2018 йилларда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни бўйича жамоатчилик фикри натижалари асосида тайёрланган маълумотномаларда фойдаланилган (“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2019 йил 21 июндаги №01-16/244-сон маълумотномаси). Натижада Марказ томонидан 2017, 2018 йилларда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини юксалтириш бўйича тайёрланган хулосаларнинг самарадорлигига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 50 га яқин илмий ишлар чоп этилган. Жумладан: ОАК рўйхатида келтирилган журналларда чоп этилган 6 та илмий мақола, шу жумладан чет эл журналларида 4 та илмий мақола, илмий-амалий конференцияларда 42 та маъруза тезислари, 1 та монография нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, 6 та параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, диссертациянинг объекти ва предмети, мақсади, вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий - амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, апробацияси,

нашр қилинган ишлар, диссертация таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Хотин-қизлар ижтимоийлашуви ва фаоллигига оид жамоатчилик фикрини ўрганишнинг методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида шахс ва давлатнинг ўзаро муносабатларига устуворлик берилиб, жамиятнинг етуклик даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланаётганлиги таъкидланган. Хотин-қизларнинг жамиятдаги муносиб мавқеи, уларнинг давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этиши ислохотларнинг муваффақиятли кечишига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, “хотин-қизлар масаласи” деб аталган муаммо сўнгги йилларда кун тартибидан бутунлай тушгани йўқ. Бинобарин, хотин-қизлар фаолияти, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўла таъминлаш ўз ҳуқуқларини давлат ва унинг идоралари томонидан қандай ҳимоя этилаётганликларини билишларига, бир сўз билан айтганда, хотин-қизлар фаоллигининг жамият фикрида аниқ акс этишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги **«Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармонида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини тўла рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилишини таъминлашдек муҳим вазифалар белгилаб берилди.<sup>1</sup>

Мустақилликдан кейин ўтган даврга назар ташланса, янги бозор муносабатларига ижтимоийлашув эркакларга нисбатан аёлларда фаолроқ кечганини кузатиш мумкин. Зеро, меҳнат тақсимотининг ҳам анъанавий, ҳам замонавий кўринишидаги турларида аёллар иштироки бирламчи мазмун касб этди. Меҳнатга оид ижтимоий муносабатлар хотин-қизларнинг иштирокисиз амалга ошмади. Уларнинг ҳиссаси гоҳ ошиб, гоҳ камайиб борсада, ҳамиша улар зиммасига ижтимоий-фойдали меҳнатни амалга ошириб бориш вазифаси тушди. Шу боис ҳозирги шароитларда ҳам шубҳасиз хотин-қизларнинг ана шу ижтимоий вазифани амалга оширишга оид хусусиятларини инобатга олиш лозим. Гап шундаки, давр тақозоси билан янги вужудга келаётган меҳнат турларини аёллар қанчалик тез забт этиб бораётган бўлсалар, анъанавий давом этиб келган касбларни ҳам эркаклар шу тарзда аёлларга бўшатиб беришга мажбур бўлмоқдалар.

Тадқиқотда анъанавийлик икки ҳолатда кўриб чиқиш таклиф этилган. Биринчидан, диний таъсирлар остида шаклланган миллий хусусиятларга хос анъанавийлик, иккинчидан, собиқ совет тузуми даврида шаклланган анъанавийликдир. Аммо ҳар икки ҳолатдаги меҳнат тақсимоти жараёнида

<sup>1</sup> Қаранг: «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида» / Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони / Халқ сўзи, 2018, 3 февраль.

аёлларнинг фаоллашувига сабаб қилиб қуйидаги омилларни илгари суриш мумкин: эркаклар табиий хусусиятига кўра ишнинг натижасига эмас, балки бўладиган жараёнга эътиборни қаратадилар, аёллар эса кутиладиган оқибат, яъни натижага таянадилар.

Мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш бир томондан, собиқ иттифоқ шароитида қарор топган тамойилларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, янги бозор иқтисодиёти ва демократик тузумга ўтиш жараёнидаги давр хусусиятлари асосида қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш йўлидан борилди. Учинчидан, дунё ҳамжамиятида қабул қилинган халқаро норма ва мажбуриятларни мамлакатимиз амалиётига киритилиши аёллар ҳаёти билан боғлиқ шартларнинг қонунчиликда қабул қилинишига олиб келди. Хусусан, Никоҳ шартномаси, унда томонларнинг мулкӣ мажбуриятлари, меҳнат фаолиятида хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймаслик, меҳнат кафолати, ишсизлик шароитида иш билан таъминлаш кафолати, иқтисодий тенглик, шартномалар тузиш, тадбиркорлик билан шуғулланишда эркаклар билан тенглик кафолати каби кўплаб янги тамойиллар асос қилиб олинди ҳамда қонунчилик даражасида муҳрланди.

Жамоатчилик фикри масаласига келсак, мутафаккирлар масаланинг социал механизмларига эътибор қаратганлигини айтиш зарур. Хусусан, Томас Гоббс жамоатчилик фикрининг жамият ривожланиши тенденциясини белгилашдаги ролини қўйидаги фикрлари асосида кўрсатиб беради: ...фикр маълум бир ижтимоий эҳтиёжларнинг ифодаси бўлиб, кишилар хатти-ҳаракатлари, уларнинг фикри билан бевосита боғлиқ ва агар кишилар фикрини эффектив бошқарилса, бу улар фаоллигини ҳам тартибга солишга ва ўз навбатида ижтимоий муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга имкон беради.<sup>1</sup> Шу маънода жамоачилик фикри бугунги даврда ҳам долзарб феномен бўлиб майдонга чиқади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали механизми ҳам жамоатчилик фикрига таянади. XXI асрда жамоатчилик фикрида шаклланаётган фикр, мулоҳаза ва кечинмаларни инобатга олган ҳолда ислоҳотлар олиб бориш кераклигини ҳеч ким инкор этмайди. Немис файласуфи Г.Гегель айтганидек, жамоатчилик фикрига “адолатлилик принциплари”<sup>2</sup> асосида ва унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш вақти келди.

Ушбу тушунчанинг методологик асосларини янада чуқурроқ ифодалаш учун бу борада бир қатор ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини айтиб ўтиш зарур. Жумладан, мамлакатда фуқаролик институтлари назоратини амалга ошириш борасида «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон хотин-

<sup>1</sup> Каранг: Гоббс Т. Левиафан, или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. Часть II О государстве // Антология мировой политической мысли. – М.: Мысль, 1997. – 182 б.

<sup>2</sup> Гегель. Сочинения, том VII. М. – Л.: Соцэҗгиз, 1934. – 341 с.

қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, маҳалла фуқаролар йиғинлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятлари асосида жамоатчилик фикрини шаффоф тарзда шакллантиришга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга хотин-қизлар масалалари борасидаги давлат сиёсати, шунингдек, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари фаолияти доирасида хотин-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маълум маънода гендер омилини ҳисобга олишни талаб қилади.

Хотин-қизларнинг сиёсий ижтимоийлашуви жараёнлари ҳам ушбу омил билан боғлиқдир. Хотин-қизлар сиёсий ижтимоийлашуви рўй беришининг уч хил шаклини қайд этишимиз лозим. Булар: оила мавқеи ва дахлдорлиги, географик жойлашуви ва индивиднинг ўз қизиқишларига мос сиёсий ижтимоийлашувдир.<sup>1</sup>

Оила мавқеи ва дахлдорлигига қараб сиёсий ижтимоийлашувнинг амалга оширилиши ўз навбатида бир неча даражаларда юз беради. Мисол учун, мамлакатда давлат арбоблари, шунингдек ҳарбийлар, судялар ва бошқа давлат амалдорлари оилаларида сиёсий ижтимоийлашув юқори даражада бўлса, зиёлилар, шоирлар, ахборот тарқатиш соҳасида фаолият юритадиганлар, юқори диний лавозимларни эгаллаганлар оилалари иккинчи, талабалар, ёш кадрлар, сиёсий соҳага эндигина кириб келаётганларнинг оилалари учинчи поғонани банд этади. Савдо, ишлаб чиқариш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида фаолият кўрсатаётган аҳоли қатлами вакиллари кейинги ўринларни банд этади ва ҳоказо.

Иккинчи жиҳат, яъни географик жойлашувга қараб сиёсий ижтимоийлашув, юқорида келтириб ўтганимиздек, давлатда сиёсий қарорлар қабул қилинадиган ҳудудга яқин ва унинг ижроси тезда амалга оширилиши бошланадиган ҳудудлардан, табиий-географик жиҳатдан ахборот етказиш қийин, мураккабликлар мавжуд минтақалар сиёсий ижтимоийлашув жиҳатдан анча фарқ қилади.

Учинчи жиҳат, яъни индивиднинг ўз қизиқишларига қараб сиёсий ижтимоийлашуви шундан далолат берадики, ўз қизиқишлари, интилишлари, билим ва ахборотга чанқоклиги, сиёсатга қизиқиши каби омиллар натижасида шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви даражаси юксалиб боради.<sup>2</sup>

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар ўрнининг жамоатчилик фикрида акс этиш тенденциялари”** деб номланади.

Фикримизча, социологлар социал субъектлар ҳаракатлари натижалари орасидаги тафовутга, яъни шу ҳаракатлар орқали вужудга келадиган кутилмаган натижаларга диққат билан эътибор қаратишлари лозим. Чунки бу ҳолат жамият тараққиётида муаммога айланиб улгурган ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради. Гендер мавзуси бугунги кунга келиб муаммоли

<sup>1</sup> Қаранг: Юқоридаги манба.

<sup>2</sup> Типы политической социализации. [http://www.sibupk.nsk.su/New/04/chairs/c\\_history/Polit1/t9.htm](http://www.sibupk.nsk.su/New/04/chairs/c_history/Polit1/t9.htm)

вазият сифатида XX аср охирларидек шов-шувли аҳамият касб этмасада, ўзбек жамияти ва унинг турмуш тарзида ушбу масаланинг ижтимоий жиҳатларини социолог позициясидан туриб таҳлил этиш долзарб аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврда тарихий шаклланган анъаналардан четга чиқиш юз бермоқда, хусусан, аёлларнинг сиёсий ижтимоийлашуви жараёнларининг кун сайин жадаллашиб бориши уларда ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллашувининг кучайишига сабаб бўлди. Аёлнинг ижтимоий фаоллиги, биринчи галда, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши ва барча кишилик ҳаётига дахлдор масалаларда ўз фикрини билдириши ҳамда уни эркин ифода қилишида ўз аксини топган бўлса, сиёсий ҳаётда, хусусан сайловларда ва референдумларда овоз бериш, ҳукуматда ва парламентда ўринларни забт этиши, умуман сиёсат билан шуғулланиши учун барча имкониятларни қўлга киритишида ўз аксини топмоқда. Ижтимоий ҳаётда аёлларнинг мавқеи ортиб боришига нисбатан бугунги кунда эркакларнинг қаршиликлари ҳаттоки яқин тарихдагидан ҳам кескин фарқ қилмоқда. Жамият ҳаётидаги бундай кенг қўламли ва туб ўзгаришлар биринчи галда хотин-қизлар фойдасига ҳал бўлаётган бўлса, иккинчидан бу ҳолат аввало, шахс камолоти, оила фаровонлиги, умуман жамиятнинг юксалиши ҳамда давлатнинг тараққий этишига замин яратувчи омил эканлиги билан диққатга сазовордир.


Ушбу жараёнларга таъсир кўрсатувчи омиллар ичида жамоатчилик фикрининг таъсири, айниқса унинг ифодачиси бўлган оммавий ахборот воситалари (ОАВ) нинг аҳамияти муҳимдир. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига таъсир кўрсатадиган омиллар ичида ОАВ хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувчанлиги жараёнларига таъсирини таъкидлаш зарур.

Биринчидан, ОАВ хотин-қизларни ижтимоий ахборот билан таъминлаш вазифасини бажаради. Бугунги кунда, “кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эга бўлади” деган тамойилга кўра глобаллашув даврининг энг аҳамиятга молик масалаларидан бўлган хабардорлик омили ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Хотин-қизларнинг кундалик ахборотга эга бўлиши улар томонидан янги билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришига замин яратади. Бунда улар биринчи галда, қандай воқеалар юз бераётганлигидан бохабар бўлиб, ўзлари учун яратилаётган имкониятлардан вақтида фойдаланишга замин яратади. Ахборот билан ўз вақтида ва сифатли таъминланиши эса уларнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий савиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Мисол сифатида хотин-қизларнинг ахборот билан таъминланганлигига оид баъзи маълумотларни келтириб ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг мазмун-моҳиятидан хабардорлиги юзасидан “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик сўровга кўра,

2005 йилда 72,5% хотин-қиз мазкур Фармондан хабардор бўлган бўлса, бу ҳолат 2006 йил 76,8%ни, 2008 йил эса 77,4%ни ташкил қилган(1-расм). Бу бир томондан йилдан-йилга ўсиш динамикасини кўрсатса, иккинчи томондан 22 %дан ортиқ хотин-қизнинг Фармоннинг мазмун-моҳиятидан хабарсиз қолаётганлигини ҳам билдиради.<sup>1</sup> Минтақалар мисолида эса ушбу ҳолат қуйидагича намоён бўлади:

1-расм



Иккинчидан, ОАВ шахс руҳиятига кенг таъсир кўрсатади. Хотин-қизлар хабардорлигининг ахборот олишдан кейинги босқичи – бу уларнинг дунёқарашда, руҳиятида амалдаги сиёсатга нисбатан қизиқиш уйғониши бўлиб, айнан ОАВ да ёритилаётган турли мавзулар бўйича уларнинг ўз қарашлари шаклланади, ўз фикрини билдиришга мойиллиги ёки умуман, тафаккур тарзи ривожланиб боради. Хотин-қизларни ўйлашга, кўпроқ ўз устида ишлашга, шунингдек, замон талаблари асосида фикрлашга ундайди, уларда социал тараққиётнинг зарурати ва омилларига нисбатан аниқ позиция шаклланади.

Учинчидан, ОАВ фуқароларда сиёсий мавзуга оид, шунингдек, сиёсий вазиятни баҳолаш юзасидан кўникмаларни шакллантиради. Сиёсий ижтимоийлашувнинг асосини сиёсат билан боғлиқ масалаларни тушуниш, англаш, баҳолаш, ўз муносабатини билдириш ва ушбу соҳага кириб келиб фаолият юритиш ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ОАВнинг аёллар ҳаётидаги салмоғи янада ошади. Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари аёлларни сиёсий ҳаёт билан таништириш, уларнинг ҳуқуқий онги

<sup>1</sup> Сўров “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан 2005-2008 йиллар давомида амалга оширилган.

ва сиёсий маданиятини юксалтиришга ундайди. Хусусан, сайловлар олдидан, уларда бирор сиёсий партия, ҳаракат ёки сиёсий кучнинг имкониятларини баҳолаш, маълум бир партиянинг дастури кўпроқ ёқишига қараб, кимга овоз бериш лозимлиги ва қандай ғоя ва дастурлар кўпроқ маъқул келиши юзасидан аёллар ўз фикрларига, қарашларига, баҳоларига эга бўладилар. Бу ҳолат 2019 йил охирида Парламентга ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда аниқ намоён бўлди. Хусусан, сайловлар натижаларига кўра, Парламентимиз аъзоларининг учдан бирини аёллар ташкил этганлиги фикримизга далил бўла олади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеини оширишда жамоатчилик фикри омили”** деб номланган учинчи бобда таъкидланганидек, бугунги кунда хотин-қизлар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон миқёсида таниқли сиёсатчи, олима, санъаткор, спортчи, тадбиркор ва бошқарувчи сифатида ўзларининг нималарга қодир эканликларини намоён қилмоқдалар. Баъзи ҳолларда ўзларининг фаоллиги, билимлилиги, уддабуронлиги, кучлилиги ва масъулиятлилиги билан эркаклардан қолишмаслигини намоён қилаётганликларини исботлаш шарт эмас. Бугун аёллар ер куррасида нафақат сон жиҳатдан, балки турли соҳаларда хизмат қилаётган ишчи ходимларнинг кўплиги жиҳатдан ҳам устунликка эришдилар. Улар бугунги кунда инсониятнинг ҳаётий муҳим соҳалари, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизматлар, фан, маданият, спорт, санъат, ахборот, хуллас, барча муҳим соҳаларни, гарчи эркакларчалик имкониятларга эга бўлмасаларда, забт этмоқдалар. Жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари аёллар раҳбарлигида бошқарилмоқда. Аёллар тобора кўплаб юқори мансабларни эгалламоқдалар.

Ўзбекистон ўз ижтимоий-сиёсий тараққиётининг бугунги босқичида давлат ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ролини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаётганлиги дунёнинг кўплаб экспертлари томонидан алоҳида таъкидланмоқда<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, Ўзбекистон бу борада юқори натижаларга эришиши билан бирга, бу жараёнлар бир кун бўлсада тўхтаб қолаётгани йўқ. Ўзбекистон аёллари мамлакат сиёсий ҳаётида ҳам кенг ва фаол иштирок этаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг сиёсий фаоллиги эса жамиятда ислохотларнинг кенг авж олиши ва туб ўзгаришларнинг содир бўлиши билан бир вақтда амалга ошмоқда.

Аёлларнинг сиёсатдаги ўрни ва ролига доир қарашлар бутун инсоният ҳаётида бўлгани каби, Марказий Осиё жамиятларида ҳам қадимдан мавжуд бўлган. Аммо, анъанавий қарашларнинг устун бўлганлиги, давлатчилик тараққиётида ҳарбий кучларнинг алоҳида мақом касб этганлиги ва жисмоний кучга кўпроқ таянилганлиги боис аёлларнинг сиёсатдаги мавқеи куйроқ бўлган. Бу жараёнларнинг тараққиёти бевосита интеграция омили асосида ривожланганлиги ҳақида юқорида бир неча бор таъкидланди.

---

<sup>1</sup> Бунга мисол тариқасида мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий мавзуларда ўтказилаётган барча халқаро конференциялар ва анжуманларда, “давра суҳбатлари”да хорижий олимлар ва экспертлар томонидан Ўзбекистонда хотин-қизларнинг сиёсатдаги иштироки кун сайин ортиб бораётганлигини таъкидлаётганликларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг истиқболи билан ҳамоҳанг тарзда хотин-қизларнинг сиёсий ижтимоийлашуви ва сиёсий фаолияти янада такомиллашиб, янгича маъно-мазмунга эга бўлиб бормоқда.

Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини юксалтиришнинг энг муҳим омилларидан яна бири бу – уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳисобланади. Мустақиллик йилларида халқимиз ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида кўплаб вазифалар амалга оширилди. Демократик жамиятнинг эркин муносабатлар негизини белгилайдиган, миллий тараққиётимиз талабларига тўла-тўқис жавоб берадиган Конституциямизнинг яратилгани, кўплаб қонун ва норматив ҳужжатларнинг қабул қилингани, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди.


Эркин фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни ва мавқеи беқиёсдир. Чунки, қонун устувор бўлган демократия шароитида ҳуқуқий маданият жамиятдаги мавжуд муносабатлар сифати ва моҳиятини белгиловчи асосга айланади. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Ҳар бир фуқаро ҳуқуққа, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, ҳуқуқ ва қонунчилик устуворлигини тан олса, давлатда тартиб, жамиятда ривожланиш бўлади. Шу маънода жамиятдаги демократик ғоялар, меъёр ва тамойилларнинг самара бериши фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ бўлади.

Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий-моддий таъминланганлиги, ҳуқ-атвори ва руҳиятида эркинлик ва тараққиёт сари интилишнинг ривожлантирилиши, замонавий ахборот технологиялари ва билимларни эгаллашлари, хусусий мулкчилик институтининг ривожланиши уларнинг ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятига кенгрок жалб қилинишида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда, 2018 йилнинг октябрь-декабрь ойлари давомида Жиззах давлат педагогика институти, “Оила” илмий-амалий марказининг Жиззах вилояти барча туман ва шаҳар бўлимлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Жиззах вилоятининг барча туман ва шаҳар бўлимлари ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган республика ташкилотларида (Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, “Инсон ҳуқуқлари” ташкилоти (Омбудсман), “Оила” ИАМ) ишлаётган жами 72 нафар эксперт-мутахассис хотин-қизлар орасида “Ўзбекистонда хотин-қизлар фаоллигини юксалтиришда жамоатчилик фикрининг ўрни ва роли” мавзусида ўтказилган эксперт сўрови натижалари аҳамиятга моликдир (2-расм). “Сиз қандай фикрдасиз, бизнинг мамлакатимизда меҳнат, жамоатчилик, давлат, маданият ва бошқа соҳаларда эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги ижтимоий мавқе бўйича фарқ қай даражада?”- деган саволга жавобларда “эркаклар ва аёллар ўзаро тенг ҳуқуқли” деган жавоб кўпчиликини ташкил этсада (35%), “эркакларнинг мавқеи юқори” деб 29% экспертлар, “аёлларнинг мавқеи баланд” деб эса 10% экспертлар жавоб берган. Бу эса иккала жинс вакиллари орасида ижтимоий фарқ ҳали ҳам сезиларли эканлигини билдиради, гарчи олдинги сўровга нисбатан жамоатчилик

фикрида тенг ҳуқуқлик борасидаги қарашда ижобий ўзгариш бўлган бўлсада (25-35%гача).

2-расм.



Сўровда “Сиз қандай фикрдасиз, бизнинг мамлакатимизда меҳнат, жамоатчилик, давлат, маданият ва бошқа соҳаларда эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги ижтимоий мавқе бўйича фарқ қай даражада?” – деган саволга ҳар ўнинчи респондент (1-диаграмма) улар орасида фарқ йўқлигини таъкидлашган. Бу нисбатан ижобий ҳолат дейиш мумкин. Зеро, “мусулмончиликда эркак устун бўлиши керак” деган фикрни фақатгина 3% респондентлар айтишган холос. Шу билан бирга, аёллар ва эркаклар ўртасидаги ижтимоий мавқедаги фарқ ўзбек менталитетига боғлиқ деб 11% респондентлар ҳисоблашар экан. Бу каби фикрлар, кўп жиҳатдан жамиятда адекват жамоатчилик фикрини шакллантириш аёлларнинг ўзига, аввало уларнинг зукколиги, оқилона иш юритишлари, яъни бир томондан фаол бўлсаларда, иккинчи томондан халқимиз анъаналарига монанд фаолият олиб боришлари, бошқача айтганда оиладаги мавқеларини ҳам сақлаб қолувчи, ҳар томонлама нозик мувозанатга асосланган яшаш тарзига ўтишларини талаб этади.

Респондентларнинг “Сизнингча, ушбу фарқ нимага боғлиқ ёки нимага асосланган, қандай омиллар билан боғлиқ?” – деган саволга берган жавобларига биноан, 77,8% респондентлар аёллар тенг ҳуқуқли эканликларини айтиб ўтишган (2-расм). Шу билан бирга, 12,5% респондентлар аёлларнинг ижтимоий мавқеи эркакларники билан тенг эмас, балки паст деб жавоб берганлиги бу ҳақда мулоҳаза юритишга чорлайди.

Маълумки, қонунда тенглик белгилаб қўйилганлиги билан бирга, уни таъминловчи реал механизмлар ҳам зарурдир. Сўровномадаги “Жамият ва

давлат ҳаётининг қайси соҳаларида хотин-қизлар эркакларга нисбатан кўпроқ устунликка эришган? Бу нимага боғлиқ?” – деган саволларга жавобларда ана шу механизмлар бирмунча кўзга ташланади. Хусусан, респондентларнинг ҳар бешинчисининг фикрига кўра, аёллар эркакларга нисбатан таълим, тиббиёт ва тадбиркорлик соҳаларида кўпроқ устунликка эришиб бўлдилар. Ўтиш даври мураккабликларига нисбатан тезроқ кўникиш ҳисси ушбу соҳаларга аёлларнинг фаол кириб келиши ушбу омилни келтириб чиқарганлиги эҳтимол. Шу билан бирга эркакларнинг сезиларли қисми пул маблағларини тезроқ келтирувчи иш ўринларини излаб бошқа мамлакатларга (Россия, Қозоғистон ва б.) чиқиб кетиши ҳам ушбу жараёнларни тезлаштирган бўлишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Шу билан бирга, бунинг акси бўлган соҳаларни ҳам кўриш мумкин. Эркакларнинг бошқарувда, айниқса давлат бошқарув соҳасида ўз устунликларини сақлаб қолаётганлиги сир эмаски, буни респондентларнинг жавобларидан ҳам кўриш мумкин. 3% респондентлар “Бошқарувда аёллар жуда кам” – деб жавоб берганликлари фикримизга далил бўла олади.

